



Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

13
(758)-son

30-mart

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган



Тўлов тизимида янгилик

Бозор иқтисодиёти одамларни ишбилармон қилиб кўйди. Улар етти ўлчаб бир кесишга, ўтаётган вақтию, кетаётган пулини тежаб-тергаб ишлатишга, бунинг устига фаол ва шиддатли ҳаёт оқимидан ортда қолмасликка интилади. Бу борада ҳам вақтимиз, ҳам нақдимизни анча-мунча тежайдиган алоқа воситалари қанчалик асқотишини яхши биласиз. Масалан, биргина телефонни олайлик. Унинг ёрдамида шунчаки хабарлашишдан ташқари, кўпгина ишларимизни битиришга одатланганмиз.

3-БЕТ ➔

Ушбу сонда:

**МУХАНДИСЛАР
МАЛАКА ОШИРДИЛАР**



2-БЕТ ➔

**ХАТНИНГ
ЭГАСИ КИМ?**



5-БЕТ ➔

**ПОДПИСАНО
СОГЛАШЕНИЕ**



О СОТРУДНИЧЕСТВЕ В
ОБЛАСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ

6-БЕТ ➔

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК –
ҚОСИМЖОНОВНИНГ
РАСМИЙ ҲОМИЙСИ**



15-БЕТ ➔

**1 апрел
Келинг, қулишайлик!**

16-БЕТ ➔

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси кеча, эрта-лаб соат 10.00да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мажлислар залида иш бошлади.**

✓ ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ўртасида Ўзро Англашув меморандуми имзоланди.

Франция парламенти сенатори Аймер де Монтекионнинг таъкидлашича, жамғарма ва ЮНЕСКО ўртасида меморандумнинг имзоланиши, Парижда жамғарма ваколатхонасининг очилиши Европа маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, бу Шарқ ва Ғарб маданиятлари мулоқотини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

✓ **Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2007» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Ғолибларни саралашда уларнинг иқтисодий тизими ривожига ҳамда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эътибонини қондиришга қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспорт боп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби омиллар ҳисобга олинди.

Танловнинг асосий йўналишлари бўйича Самарқанд вилоятидаги "Ургут яшил олтини" хусусий корхонаси раҳбари Зайниддин Аҳроров "Энг яхши тадбиркор", Қорақалпоғистон Республикасидаги "Тайимбет" фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров "Энг яхши фермер", Андижон вилоятидан Содиқжон Нейматов "Энг яхши хунарманд" деб топилди.

Уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти савғаси "Матиз" автомобиллари топширилди.

✓ Антверпендаги Берхем маданият марказида Наврўз байрамига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон-Белгия дўстлик жамияти томонидан юртимизнинг Белгиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур марказ залида Ўзбекистон халқ амалий санъати усталорининг маҳсулотлари кенг намойиш этилиб, тоширф буюрган меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдilar.

✓ **Наврўз байрами арафасида норинлик 400 фермер бир бўлиб, қишлоқлардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 50 донга сўнги нухадаги компютер харид қилишди.**

Шундай қилиб, қутлуг байрам арафасида фермерларнинг қимматли ташаббуси туфайли тумандаги ҳар бир мактаб битадан компютерга эга бўлди.

✓ Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" да "Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоклаш воситалари ва ускуналар — WorldFood 2007" ва "Қишлоқ хўжалиги AgroWorld-2007" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздан ва хориздан 40та компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этди.

✓ **Самарқандда Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари хўжалик судларининг судьялари иштирокида минтақавий республика семинари бўлиб ўтди.** Тадбирда судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорларини суд амалиётида қўллашнинг бир хиллаштириш ҳамда тўғри талқин этилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

SEMINAR

Муҳандислар малака оширдилар



Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш тизимини янада ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйган.

Бу борада, айниқса, Япониянинг республикамизга киритаётган сармоysi диққатга сазовордир.

Республикамизга телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда Япониянинг NEC корпорацияси улуши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда магистрал ва зонаичи тармоқларимизга мазкур корпорациянинг 400га яқин STM-1, STM-4 ва STM-16 узатиш тизимлари ҳамда 250 минг рақамга тенг 90га яқин электрон телефон станциялари ўрнатилган.

Албатта, замонавий алоқа воситаларини бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш учун ходимдан алоҳида малака талаб қилинади. Шу мақсадда 2005 йили Ўзбекистон

алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва NEC компанияси ҳамкорлигида "Ўзбектелеком" АК қошида Инженер-техник маркази ташкил этилган эди. Утган вақт мобайнида марказда Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг тўрт юздан ортик мутахассислари малака оширишди.

Яқинда NEC компанияси томонидан 1 миллион АКШ долларига тенг бўлган рақамли коммутация станцияси, STM-1, STM-4 ва STM-16 русумли узатиш тизимлари ва уларни бошқариш тизими, DMR-2000 радиорелейли қурилмалар ва ТВ узатгичлар Инженер-техник марказига ўрнатилди. Шу муносабат билан марказда соҳа ходимлари

учун ўқув семинари ташкил этилди.

Семинарда сўз олган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров ва NEC корпорациясининг Марказий Осиё ва Кавказорти бўйича ваколатхонаси бошлиғи А.Кавабата мамлакатимиз ҳамда Япония ўртасида алоқа соҳасида йўлга қўйилган ҳамкорлик, бу борада эришилган ютуқлар ва келгуси режалар ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг йилгиланларга мултимедиа воситаси орқали келтирилган замонавий алоқа техникалари ҳақида тушунтиришлар берилди. Қувонarliси, ушбу семинар конференцалоқа воситасида барча вилоятлардаги соҳа корхоналарига узатилди.

Семинар якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Ўз мухбиримиз

MUNOSABAT



Истиқлол абадияти

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда.



Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи муҳасам ва атрофлича баён этилган интервью қашқадарёликларнинг ҳам фахр-ифтихор туйғуларини янада оширди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши юртимизда маданий-маънавий масалаларга қанчалик эътибор қаратилаётганидан далolat бериб турибди.

Клара ДҮСЁРОВА,
Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори:

— Президентимиз Ислам Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида мамлакатимиз тарихи, айнан унинг ислом дини билан боғлиқ тарихи ҳақида тўхталар экан, бу тупроқда юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани, улар қолдирган илмий-маънавий мерос ҳақида, ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, авайлаб-асраб қелинаётгани, уларни ўрганиш борасидаги ишларга алоҳида уруғ берганлар. Ҳақиқатан ҳам бу каби эзгу ишларни Қашқадарё заминидagi тарихий шаҳарлар — Шаҳрисабз ва Қарши мисолида кўриш мумкин. Кўлга бормайлик, ҳали байрам шукуҳи қалбларимиздан йироқлашмаган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан воҳада камол топган не-не буюк аждодларимиз тарихидан бохабар бўлдик, улар-

нинг мангу макон топган манзиллари обод этилди, мозидан сўзлагувчи муқаддас қадамжолар бугун қайтадан сайқалланди.

Бахтиёр АВЛИЁКУЛОВ,
ЎзАААнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси:

— Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳларнинг қайта чирой очганлиги, миллий урф-одат ва удумларнинг кенг тарғиб қилинаётганлиги ҳақон ҳамжамиятининг бу заминга бўлган қизиқишини янада оширди. Қарши шаҳридаги асрлар оша бизгача етиб келган "Қўқумбаз", "Одина" масжидлари, Қашқадарё кўприги каби меъморий обидалар, зиёратгоҳлар, Ерқўрғондаги қадим шаҳар харобаларини ким келиб кўзи билан кўришни истамайди, дейсиз. Тошкент шаҳрининг «Ислом маданиятининг пойтахти» деб эътироф этилишида шундай асосларимиз бор. Юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида булар атрофлича ўз ифодасини топган.

Тарихий обидаларни таъмирлаш уларнинг умрини узайтиради. Шу тариқа асрлар оша бизгача етиб келган бу қўна иншоотлар келажак авлодга имкон қадар асл ҳолича етказилади. Булар бизга бобоқалонларимиз илму маърифатидан, юксак маданиятидан дарак бериб турибди. Худди шунингдек, бугун уларда амалга оширилган ишлар ҳам бир кун келиб айнан замон ҳақиқатини келгуси авлодларга етказилади. Бу билан миллатнинг ўчмас тарихи бардавом сақланади, боболаримиз қолдирган мерос қадрлиби борилаверади.

Фотондил ИСМОИЛОВ,

«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бевосита кўрсатилган алоқа хизмати учун тўлов масаласига тўхталадиган бўлсак, абонент кассаси ёки алоқа бўлимига бориб, бунинг устига кўпинча навбатда туриб пул тўлашдан кўра тўлов карталари орқали ишни битирган афзалроқ, десак, албатта, бу фикримизга

даланишлари ёки "Чирком"нинг алоқа бўлимига боришлари шарт эмас. Бунинг учун "067" рақами терилса бас, ҳисобда қанча пул борлиги ҳақида маълумот берилади. Тўлов картасини ишга тушириш учун "066" рақами терилади ва овозли йўриқнома бўйича амаллар

Тизимни жорий этишга доир деярли барча ишлар корхонанинг ўзида — маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилди. Россиядан келтирилган қурилмани маҳаллий шартномада мослаштириш, керакли дастурларни яратишда корхонанинг Ахборот хавфсизлигини таъминлаш хизмати бош-

Тўлов тизимида янгилик



қўшилувчилар кўпчиликини ташкил этса керак. Чунки, масалан, уяли алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар фаолиятини кузатадиган бўлсак, улар нафақат сифатли алоқани таъминлаш ва қўшимча хизмат турлари билан, балки мижозлар учун айнан қўлай тўлов воситаларини йўлга қўйиш орқали ҳам эътибор қозониб борапти. Интернет провайдерлар тақдим этаётган тўлов карталари борасида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Яқинда электралоқа хизмати кўрсатувчи "Чирком" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ҳам ўз мижозларига янада қўлайлик яратиш мақсадида тўловни амалга оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири — тўлов карталарини жорий этди.

бажарилади — PIN-код ва карта серия рақами киритилади. Қўлайлиги, карталарни "Чирком" тармоғига уланган инсталланган телефон аппарати (тонал тартибда ишловчи) орқали фаоллаштириш мумкин. Ҳисобдаги пул тугаб, ўчирилган телефон орқали ҳам "067" ва "066" рақамларига уланиш, маълумот олиш ва ҳисобга пул киритиш мумкин. Бундан ташқари, фавқуллода ҳолатларда "01", "02", "03" ва "04" хизматларига кўнғирок қилиш имкониятлари сақланиб қолади.

лиги Евгений Денисенко, етакчи муҳандислар — Гамал Гаитов ва Вячеслав Бекетовларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир.

Тўлов карталари жорий йилнинг 1 март кунидан сотувга чиқарилган. Март ойининг дастлабки биринчи ярмида 4 миллион сўмлик карталар сотилганлиги янги махсулотнинг бозор талабига жавоб беришини кўрсатмоқда. Айни пайтда корхонанинг 3, 6, 10 минг сўмлик карталарини Чирққдаги шаҳарлараро сўзлашув масканлари, яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ва бошқа савдо шахобчаларидан харид қилиш мумкин. Илк синновдан муваффақиятли ўтган янги махсулотнинг реклама-тарғибот масаласига ҳам яқиний эътибор қаратилмоқда.

Ахборот хавфсизлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ҳисобда қанча пул борлиги тўғрисидаги маълумот фақат "067" рақамига кўнғирок қилинаётган телефон аппарати тақдим этилади. Шунингдек, PIN-кодни киритишда 3та рақам хато терилса амалиётни қайтадан бошлаш талаб қилинади.

Собит АҲАДОВ,
"Хабар"нинг махсус мухбири

UYALI ALOQA KOMPANIYALARIDA

"UNITEL" MЧЖ

Шаҳар янада яқинлашмоқда

Компания янги «Шаҳар» тариф режасини амалга киритди. «Шаҳар» тарифининг ўзига хос томони шундаки, унда бутун республика бўйлаб инсталланган шаҳар телефон рақамига қилинган кўнғирокнинг бир дақиқаси 3 центдан иборат. Тармоқ ичидаги кириш кўнғироклари — белул. Янги тариф режасининг абонент тўлови кунига 6 цент. Шу боис, ушбу тариф кўпинча стационар рақамларга кўнғирок қиладиган абонентлар учун мўлжалланган. Янги тариф режаси Фарғона водийсидан ташқари барча ҳудуддаги абонентлар учун тааллуқлидир.

GPRS хизмати кенгайтирилмоқда

«Unitel» масъулияти чекланган жамияти GPRS хизмати (3 хизмат пакети: GPRS-Интернет, GPRS-WAP ва MMS) ҳудудини кенгайтирилмоқда. Энди Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари абонентлари билан бир қаторда, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги «Билайн» абонентлари ҳам ушбу хизматдан фойдаланишлари мумкин.



GPRS (General Packet Radio Service) — бу GSM тармоғи ёрдамида Интернетга уланиш усулларида бири. Бунда Интернет маълумотларини телефонда ҳам, мобил телефоннинг модем сифатида қўлланган ҳолда компютерда ҳам қўриш имкони мавжуд бўлади.

GPRS технологияси MMS (рангли суратлар, расмлар ва полифоник мусикалардан иборат хабарлар алмашишга, шунингдек, бевосита уяли телефондан электрон почта манзилларига хабар юборишга имкон берувчи мултимедиа хабарлар хизмати) ҳамда WAP (Интернетдаги маълумотни мобил телефоннинг кичик дисплейига узатишда ёрдам берадиган усул) каби сифатли янги ва қўшимча хизматларни ривожлантиришга имконият яратади.

МТС-ЎЗБЕКИСТОН

Яна бир офис

Компания республикамиз ҳудудда ўзининг янги офисларини очишда давом этмоқда. Наврўз байрами арафасида МТС-Ўзбекистон Янгийўл шаҳрида ўзининг икки қаватли офисини очди. Бино МТС стандартлари бўйича жиҳозланган бўлиб, унинг ташқи ва ички безатилиши компания кифёсани намоён этиб туради.

Янги офис шаҳарнинг қоқ марказида, «Навоий гулшани» истироҳат боғи ёнида жойлашган. Ҳозирда компания операторлари томонидан янгийўллик мижозларга малакали хизмат кўрсатиш бошлаб юборилган.

ТАҲРИРИЯТДАН: Айни пайтда "Ўзбектелеком" АК филиалларида телефон тўлов карточкаларини жорий қилиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Андижон Телеком" филиали мутахассислари ҳам янги лойиҳани амалга ошириб, Андижон ва Асака шаҳри аҳолисига 3000, 5000, 10000, 15000 сўмлик номиналли телефон тўлов карталарини тақдим этишди.
Газетамизнинг навбатдаги сонларида Андижон тажрибаси ҳақида ҳам маълумот бериш ниятидамиз.

Ислохотлар тақозоси

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирўлининг фойдаланишга топширилиши жорий йилга мўлжалланган. Бу янгилик сабаб жамоамиз фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.



Чунки, Тошкент ва бошқа узоқ юртлардан йўлга чиққан поездлар ҳаракатида Қумқўрғон бекати чорраҳа вазифасини ўтайди. Шундай экан, бу манзилдаги алоқа корхоналари ҳам жаҳон андозалари даражасида жиҳозланмоғи лозим.

Олдинда турган долзарб жараёнга ҳозирликни барвақт бошлаб юбордик. Жорий йилдан эътиборан, почта алоқаси тармоғининг амалиёт зали замонавийлаштирилмоқда, Интернет, электрон ва гибрид почта жиҳозлари ўрнатилмоқда. Етарли даражада компютер келтириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Айни чоғда, ходимлар малакасини ошириш баробарида, янги иш ўринлари яратишга асосий эътибор қаратиляпти.

ҳам эртанги кун учун қўрилаётган тайёргарлик тадбирларидан бири бўлди. Бу кўмондонлик штаб ўқув машқи "Ҳалокатли сув босиш хавфи юзга келганда ва хавфли почта жўнатмалари аниқланганда туман почта алоқаси тармоғи бошқаруви ҳамда фуқаро муҳофаза тузилмасининг ҳаракатлари" мавзусига бағишланди. Тумандаги тиббий хизмат муассасалари, ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги бўлимлари ходимлари иштирокдаги машғулот жамоамиз ҳушёрлигини оширишда катта аҳамият касб этди.

Алоқа бўлиmlари биносини тасарруфимизга олиш, таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш ишлари кенг қўламда бошлаб юборилди. 2007 йилда иккита алоқа бўлими замонавийлаштирилади. Йўлга қўйилаётган бу

каби янгиликлар ходимларимизга кўтаринки кайфият бахш этмоқда. Ўз навбатда, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва мароқли ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш ҳам алоҳида инobatга олинмоқда. 2006 йилда 32 нафар ходимга яхши ишлагани учун устама ҳақ тўланди. Иккита кам таъминланган оилага сизир олиб берилди. Жамоа аъзоларидан 35 нафари қадимий Самарқанд ва Қарши шаҳарларига саёҳат қилишди.

Амалдаги Ижтимоий Ҳимоя йилида ҳам ғамхўрлик дастури ижросига таяниб, бир қатор хайрли тадбирларни йўлга қўямиз.

Хуррам РАҲИМОВ,
Қумқўрғон тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи

• Алоқа оламида: •

ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИК!

Нидерландиянинг Waleli компанияси эшик кўнғирокдан мобил телефонларига сигнал жўнатувчи GSM Doorbell технологиясини халқаро бозорга чиқаришини маълум қилди.

GSM Doorbell интерком, электрон кулф, GSM тармоғи орқали сигнал жўнатувчи кўнғирок ва телефон эгаси идентификацияси (SIM) модулидан ташкил топган. Агарда бу тизим ўрнатилса, эшик кўнғироғи чалинганда уй эгаси уйда бўлмаса ҳам кўл телефони орқали бундан хабар топиши, желгалар билан мулоқотда бўлиши ва ҳатто масофадан туриб ҳам телефони ёрдамида эшикни очиши мумкин. Шунингдек, уй эгаси эшик калитини унутган ёки йўқотган тақдирда ҳам кўтқарув хизматини чақириб ташвишдан қутулади.

XALQARO HAYOT

РАСМИЙ ТЕХРОН Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан мамлакатга нисбатан қўлланилган резолюция шартларини рад этди.

«Эрон халқи ғанимлари бу сафар ҳам янглишдилар.

Биз фақат тинчлик мақсадларида олиб бораётган ядровий тадқиқотларимизни бир сония бўлсин тўхтатмаймиз», — дея резолюцияга нисбатан ўз муносабатини билдирди мамлакат президенти Махмуд Ахмадинажот. Шунингдек, у ушбу «ноқонуний ва агрессив резолюцияга» жавобан нафақат МАГАТЭ, балки БМТ Хавфсизлик Кенгашида резолюцияни қўллаб-қувватлаган давлатлар — АКШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия ва Хитой билан муносабатларни қайта кўриб чиқишини таъкидлади.

Эслатиб ўтайти: БМТ Хавфсизлик Кенгашида Эронга нисбатан кенгайтирилган ҳолда овозга қўйилган ва бир овоздан қабул қилинган санкцияда Эронга қурол-ярроқ сотиш ва Эроннинг ўзга давлатларга қурол экспорт қилишини тақиқлаш, мамлакатнинг қатор юқори лавозимли шахсларининг хоригга чиқишларини чеклаш, Эроннинг ядро ва ракета лойиҳаларига алоқадор юридик ва жисмоний шахслар ҳисоб рақамлари «музлатилиши» билдирилган. Шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлар ва хоржий мамлакатлар бу давлатга кредит ва грантлар ажратмасликка чақирилган.

«ASSOCIATED PRESS»

ахборот агентлиги хабарига кўра, АКШ Конгресси куйи палатаси 2008 йилнинг 1 сентябрга қадар Ироқдаги Америка кўшинини олиб чиқиш кетиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллаб овоз берди.

Куйи палатанинг бу ташаббусидан анча ранжиган президент Жорж Буш Вакиллар палатасини ўз ваколатларини ҳақдан ортқи кенгайтириб юбораётганликда айблади. Лойиҳа энди юқори палата — Сенатда кўриб чиқилади.

Шунингдек, Конгресс Грузия ва Украинанинг НАТОга кўшилишини қўллаб-қувватловчи қонун лойиҳасини ҳам ниҳоят тасдиқлади. Лойиҳага кўра, «хавфсизлик доирасида ҳамкорлик» дастури бўйича ушбу мамлакатларга Америка бюджетидан ёрдам кўрсатилади.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 сентябридан Грузияда тез тиббий ёрдам чақирилган жойга 15 дақиқадан бир сония ҳам кечикмай етиб бориши шарт.

Грузия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири Владимир Чипашвили мамлакат тез тиббий ёрдам («03») хизматига шундай қатъий мажбурият юкледи. Тиббий хизматнинг тезкорлигини ошириш учун керакли шароитлар яратиш ва техника билан таъминлашга 45 кунлик муддат белгиледи. Бунинг учун ушбу хизматга давлат бюджетидан ажратилган 7 миллион лари (4,1 миллион доллар)ни 8 миллион ларига етказиш кўзда тутилмоқда.

РОССИЯ ВА БЕЛАРУС

икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотик соҳасидаги чекловларни бекор қилди.


Ушбу иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадидаги ўзаро келишув ҳужжатини Беларус бosh вазири ўринбосари Андрей Кобяков ва Россия иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари Виталий Савелевлар имзолашди. Шу пайтга қадар Беларус томони мамлакатга киритилаётган спиртли ичимликлар, тамаки ва денгиз маҳсулотлари учун чеклов жорий қилганди. Бунинг эвазига Россия Беларусдан шакар импорт қилишни чеклаганди.



DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2006 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисида Давлатимиз раҳбари иқтисодийнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни янада таркибий жиҳатдан ўзгартириш, техника ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай иш муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш ва коммунал хўжаликда ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига тўхталиб ўтган эди.

Қонун барчага баробар



Дарҳақиқат, «Ахборот технологиялари» асри дея аталаётган ҳозирги вақтда республикамизнинг деярли барча тармоқларида модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгилашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жамият ҳаёти ва иқтисодийнинг барча ҳоҳаларида замонавий ахборот технологиялари, телекоммуникация ва компьютер техникаси воситалари кенг ишлатиш ва қўллаш ҳамда фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўла-роқ қондиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жамият ва аҳолининг ахборотга кун сайин ошиб бораётган эҳтиёжини қондиришда қатор қарорлар билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ва аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан соҳада 2010 йилгача телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг мақсадли йўналишлари белгиланган. Ушбу қарорда белгиланган режа-

тадбирларга мувофиқ, 2010 йилгача Интернет хизмати кўрсатувчи шахобчалар сонини 2 мингтага, бу хизматдан фойдаланувчилар сонини 3,4 миллион ва тармоқ тезлигини эса 12 Мбит/сга етказиш кўзда тутилган.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш учун маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет хизматларини кўрсатувчи субъектлардан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ва, албатта, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан бериладиган лицензия асосида иш юритиш талаб этилади.

Президентимиз ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ва иш муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлашга эркинлик берилган бир пайтда айрим соҳа тадбиркорлар қонун бузилишларига йўл қўйиб ноқонуний фаолият билан мўмай даромад орттириш пайда бўлишмоқда. Буни Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари биргаликда лицензиясиз фаолият юритаётган субъектларни

аниқлаш мақсадида ўтказган тадбирлар натижаси ҳам кўрсатиб берди. 15 нафар юридик ва жисмоний шахс махсус лицензиясиз маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет хизматларини кўрсатаётганлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти ДАИ лицензиясиз фаолият юритган шахсларга нисбатан ўз ваколати доирасида чора кўриши учун Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармасига маъ-

лумот тақдим этди.

Ҳозирги кунда Интернет шахобчаларидан тўрттаси лицензия олди, қолган 11тасининг фаолиятига чек қўйилди.

Юқорида таъкидланганидек, жамият ва аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни катта.

Вилоятда аҳоли учун кўнгилочар, мусликий ҳамда маҳаллий ахборот теледастурларини эфирга узатиш билан шугулланувчи тўртта оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатади. Шулардан бири — «Садо ТВ телекомпанияси» масъулияти чекланган жамиятининг алоқа соҳасидаги фаолияти Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган 2007 йил текширишлар режа-жадвалига асосан текширилди.

Текшириш натижасида мажбурий масъулияти чекланган жамият алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тегишли қонуний ва норматив ҳужжатлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, бу ерда Электромагнит мослашув марказининг фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси олинмасдан телевизион узатгичдан фойдаланиб келинаётганлиги, ходимлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бўйича бирламчи машғулотлар ва тушунтиришлар ўтказилмаганлиги каби камчиликлар аниқланди. Қонунбузарликка йўл қўйгани учун «Садо ТВ телекомпанияси» МЧЖ директори-га нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 152-моддаси, 1-қисмига асосан маъмурий жазо чораси қўлланилди.

Камчиликларни бартараф этиш юзасидан Самарқанд вилояти ДАИ томонидан кўрсатма берилиб, унинг бажарилиши назоратга олинди.

ХИКМАТ

Тўғри юрдим — етдим муродга,
Эгри юрдим — қолдим уятга.

Омонулла ШАРОПОВ,
Самарқанд вилояти
ДАИ бошлиғи

Диллар севинчга тўлди

Юртимизда Наврўзи олам тантаналари давом этмоқда. Халқимизнинг ана шу умрбоқий миллий байрами доирасида жойларда ўтказилаётган турли тадбирларда кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, айниқса, ёши улугларга ҳурмат ва эҳтиром фазилатлари тўла намён бўляпти.

Алоқа соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб ҳозирги пайтда кексалик гаштини сураётган 245 нафар отахон ва онахонлар учун "Бухоро Телеком" филиали маъмурияти томонидан Наврўз тадбири ташкил этилди. Тантанана сўзга чиққан филиал директори Шариф Худойбердиев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Абдужаббор Атамуродов, "Бухорошаҳаргаз" филиали бошлиғи Насриддин Тилавов, шунингдек, меҳнат фахрийларидан Нурулло Султонов, Шодмон Жумаев, Иброҳим Бозоров ва бошқалар ўз дил сўзларини изҳор этиб, ҳамкасбларини байрам билан самимий қутладилар.

Шу кун турли ноз-неъматлар, Наврўз тамолари ва ширинликлар билан безатилган дастурхон атрофида устоз ва шогирдлар гурунги алламоҳалгача давом этди. Ҳазил-мутойиба, дўстона лутф ва айтишувлар авжга чиқди. Бир сўз билан айтганда, диллар севинчга тўлди.

Асқар ИСТАМОВ,
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

ТО'УХАТ

Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Олий математика" кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, математик моделлаштириш соҳасида нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам таниқли олим Фарадей АБУТАЛИЕВ 75 ёшга тўлди.



Таълим академиги

Фарадей Абуталиев 1952 йили Урта Осиё Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг механика-математика факультетини муваффақиятли тамомлаб, 1952-55 йилларда ЎзФА Математика институти, 1956-57 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг "Олий математика" кафедраси ассистенти, 1957 йилдан 2003 йилга қадар ЎзФА Кибернетика институтида илмий ходим, катта илмий ходим, 1961 йилдан эса лаборатория мудири бўлиб ишлаган. У 1961 йилда фан номзодлиги, 1969 йилда фан докторлиги диссертациясини ҳимоя қилган.

1972 йилда Ф.Абуталиев профессор, 1982 йили эса фан соҳасидаги самарали илмий фаолияти ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган. 1984 йили Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, 2000 йилдан ЎзФА академиги ҳисобланган Ф.Абуталиев табиий фанлар соҳасидаги катта хизматлари учун Халқаро экология ва табиатдан фойдаланиш Академиясининг академиги этиб сайланган. Илмий изланишлари ҳамда фаолияти математик моделлаштириш ва ҳисоблаш экспериментлари асосида ахборотларни қайта ишлаш тизимларини яратишнинг назарий ва амалий масалаларини ечишга бағишланган.

Серкирра олим ва унинг шогирдлари томонидан гидродинамик, гидрорегология, геофизик жараёнларни тадқиқ қилиш учун математик моделлар тизимлари ва алгоритм-

лари, шу жумладан, ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, илк бор «Атмосфера-гидросфера-сувни исътемоқ қилиш» тизимининг математик моделлари яратилди.

Сўнги йилларда Фарадей Басирович мураккаб тизимларни математик моделлаштиришда қатъиймас (fuzzy) тўпламлар назарияси имкониятларидан фойдаланиш соҳасида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борапти. Олим 16 монография, 350дан ортиқ илмий мақола-лар муаллифи, унинг бевосита раҳбарлигида 83 нафар фан номзоди, 12 фан доктори етишиб чиқди.

Устозимиз жамоат ишларида ва илмий ташкилотчилик борасида ҳам катта фаоллик кўрсатмоқда. Ф.Абуталиев 1970 йилдан узлуқсиз тарзда докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш махсус кенгашлари аъзоси сифатида илмий-тадқиқот ишларини педагогик фаолияти билан бирга олиб бормоқда. 1976 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг "Ҳисоблаш математикаси" (ҳозирги "Информатика") кафедрасининг ташкил этилишида ҳам олимнинг хизматлари синган.

Университет жамоаси ажойиб инсон, забардаст олим, меҳрибон устоз Фарадей Басирович Абуталиевни табаррук 75 ёши билан самимий муборак этди ҳамда унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

Ришад УСМОНОВ,
ТАТУ доценти

Республикамизда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгартиришлар, иқтисодий ислохотлар вазибалари, менежмент ва маркетингнинг замонавий усуллари, қимматли қозғалар бозори каби мавзуларда мутахассислар касб даражасини ошириш бугунги кун талабидир.

Сертификат топширилди



Шуни эътиборга олган «Самарқанд Телеком» филиали маъмурияти ташаббуси билан шу йилнинг 12-15 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий Бизнес мактабининг корпоратив бошқаруви томонидан «Молия ва бошқарув ҳисоби асослари» мавзусида 40 соатлик ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув дастуридан юқоридagi мавзулардан ташқари молиявий таҳлил, бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар сингари мавзулар ўрин олган эди. Курсларда «Самарқанд Телеком» филиали ва унинг тасарруфидagi барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари, «ЎЗИ-Самарқанд» филиали ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали каби корхоналарнинг бош ҳисобчи, ҳисобчилари ва иқтисодчилари қатнашдилар.

Дарсларни Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси ижрочи директори О.Машарипов ва мустақил консултант Н.Изволскаялар олиб бордилар.

Ўқув курслари якунида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси бошлиғи А.Шарофидинов тингловчиларга сертификатлар тақдим этди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Қишлоғимиз хабарчиси уйимга хижолат тортиб келди: — Ака, узр, «Ўздунробита»дан хат-хабар кутмаяпсизми?

Хатнинг эгаси ким?



Тушунолмай турганимни кўриб изоҳ берди: — Сизнинг фамилиянгизга шу компаниядан хат келган. Исми тўлиқ ёзилмаганидан хат айнан кимга тегишли эканини аниқлолмай уч кундан буён сарсонмиз.

Даров тушундим. Биргина маҳаллаимизнинг ўзида еттига фамилиядошим бор. Бутун қишлоқда... тўххизта маҳалла бор. Бу ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг! Узоқ бир ташкилотнинг ходими буни қаёқдан билсинг? Хатни жўнатгану, мактуб қўлига тегиши керак бўлган киши исмининг бош ҳарфи кўрсатилган, ҳолос. «Фалончиев Н.». Бир фамилияли, аммо исми "Н" билан бошланганлар маҳаллаимизда тўртта: Нурмат, Нодир, Норхўжа... Афсуски, уй рақами ҳам кўрсатилмаган. Аксарият қишлоқларда хонадонлар бундай рақамларга эга эмас.

— Зиёли одамсиз, деб тусмоладим. Сизда уяли телефон бор, — деди хабарчи, — эҳтимол хат сизга тегишлидир? Бошқа фамилиядошларингиз ҳам хайрон. Биронтасининг хат-ёзишмалар билан ишлари йўқмиш!..

— Менга қаранг, — дедим унга, — тартибқоида бўйича эгаси топилмаган хатни нима қилардинглар?

— Қайтариб юборардик. «Кўрсатилган манзилда йўқ» деб...

— Ана, қайтариб юборинглар, вассалом! Хабарчи хижолатомуз кудди:

— Манзили бор, фамилияси аниқ, қайтариб юбориш нуқулай-да! Ким билсин, ўта мўҳим хатдир?.. — Унда хатжилдни очиб кўриш керак.

— Бу ҳам мумкин эмас!

Узоқ мунозарадан сўнг шундай тўхтамга келдик. Ҳамма "Н"ларни чақиртирдик. Маҳалла оқсоқолияним. Вазиятни тушунтирдик. Учаска профилактика нозириям ҳозир бўлди. «Далолатнома» тузилди. Мазмунини, бир исм-фамилияли беш киши ўртасида келган хатнинг айнан кимга тегишлилиги аниқлаш имкони бўлмагани боис, очиб кўрилади. Мактубни фақат бир киши — хабарчи овоз чикармай ўқийди. Ёзишма си-

рини сақлаш мақсадида.

Хабарчи хатни авайлаб очиб ўқиди. Сўнг жилмайиб "Н"лардан бирига узатди:

— Хат сизга келибди!..

«Мен ҳеч қардан хат-хабар олмайман», деб оёқ тираган азаматнинг исми, фамилияси ва отасининг исми ҳам ёзилиб мурожаат қилинган эди:

«Фалончиев Писмадон Фалончиев!» Сизнинг «Ўздунробита» алоқа компаниясидан 11900 сўм дебиторлик қарзингиз мавжуд бўлган ҳолда тўламай келяпсиз. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб қўйишингизни, акс ҳолда суд тартибида ҳал этишга мажбур эканимиз ҳақда огоҳлантира-миз!».

Азамат фамилиядошимиз бундан уй ой муқаддам уяли телефон апаратини сотиб юбориб, қарз ҳам йўқолади, деб хом ўйлаган экан!.. Энг қизиги, келган мактубда алоқа компаниясининг бошқаруви телефон рақами ҳам ёзилган. Шу хатжилд устига ёзилганида эди, хат уч кун сарсон бўлмасмиди...

— Хайрият-е, — деди кўзлари қувончдан яшнаб хабарчи, — елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди! Унинг ҳолатини тушуна бўлади. Хабарчининг ўз касбига сидқидиллик билан ёндашиши, бурчини ҳалол бажаришга тиришиши боис алоқа корхонаси ҳам, фуқаро ҳам наф кўрди. Акс ҳолда, дилхиралик ва судбозликлар бошланиб кетармиди...

Шу ўринда бизда бир таклиф туғилди: хат ва жўнатмалар фуқаролардан қабул қилиб олинаётганда, почта ходими томонидан жўнатилаётган манзилнинг уй рақами, олувчининг исми-шарифи тўлиқ кўрсатилиши талаб қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Муаллиф ҳақида

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ — 2007 йилдан «Хабар» газетасининг Андижон вилоятидаги мухбири сифатида фаолият кўрсата бошлади. У билан 8-374-225-50-10 рақамли телефон орқали боғланишингиз мумкин.



26 марта 2007 года в столичной гостинице "Dedeman" состоялась церемония подписания соглашения о сотрудничестве в области информационных технологий между Ассоциацией предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана (ИТ-ассоциация Узбекистана) и представительством Microsoft в Казахстане.

Основной целью соглашения является содействие внедрению новых информационных технологий в Республике Узбекистан, развитие высококачественной информационной и телекоммуникационной инфраструктуры, а также налаживание и укрепление контактов между общественными, государственными и коммерческими организациями в сфере информационных технологий (ИТ).

Учитывая внимание, уделяемое Правительством Республики Узбекистан развитию информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан как одному из стратегических направлений, способствующих социально-экономическому прогрессу страны, стороны намерены создать долгосрочные отношения по сотрудничеству, которые будут способствовать дальнейшей интеграции Узбекистана в мировое сообщество.

На сегодняшний день одной из важнейших задач на ИТ-рынке Узбекистана является согласованная и эффективная политика в области защиты авторских прав разработчиков программного обеспечения. Помимо взаимной экспертной и консультационной помощи, планируется проведение обучающих программ для членов Ассоциации по технологиям Microsoft и организации процесса разработки программного обеспечения. Немаловажное значение будет играть опыт корпорации Microsoft, связанный с созданием "электронного правительства" и воплощением похожих инициатив в других странах мира.

В церемонии подписания Соглашения приняли участие Генеральный директор Microsoft в Казахстане Айдар Даулетов, исполнительный директор ИТ-ассоциации Узбекистана Илхом Абдуллаев, а также

Также было отмечено, что подписание данного соглашения свидетельствует о заинтересованности лидеров международного ИТ-рынка, и в частности компании Microsoft, развивать бизнес в Узбекистане. При этом речь идет не только о коммерческих интересах, но и о многоплановой совместной деятельности по развитию информа-

ПОДПИСАНО СОГЛАШЕНИЕ

О СОТРУДНИЧЕСТВЕ В ОБЛАСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ



представители компаний и организаций входящие в ассоциацию.

В своем выступлении А. Даулетов отметил, что данное соглашение будет способствовать инвестиционной привлекательности страны и ее интеграции в мировое информационное пространство, а также участие в крупномасштабных совместных проектах в сфере образования, государственного сектора и рынка локального программного обеспечения принесет значительный вклад в социально-экономическое развитие Республики Узбекистан в долгосрочной перспективе.

ционного общества в Узбекистане. Одним из таких устоявшихся направлений является партнерство ИТ-Ассоциации Узбекистана и представительства компании Microsoft в Казахстане по созданию в Ташкенте Центра компетенции по электронному управлению.

По завершению церемонии подписания соглашения состоялась пресс-конференция, где представители СМИ получили ответы на все свои интересующие вопросы.

Элбек ДОЛИМОВ

GOOGLE ВЫПУСТИТ МОБИЛЬНЫЙ ТЕЛЕФОН С НУЛЕВЫМ ТАРИФОМ

Google планирует выпустить на рынок собственный мобильный телефон — gPhone, пользование которым, по информации газеты Handelsblatt, будет бесплатным, связь будет осуществляться с помощью Интернет, а пользователь будет вынужден смириться с появляющейся на экране рекламой.

Концепция бесплатного мобильного телефона от Google, финансируемого за счет рекламы, схожа с моделью бизнеса, которая существует же в Интернете, на телевидении, в газетах и журналах.

Из трех возможных видов доступа — фиксированной связи, мобильной связи или Интернета — Google скорее всего, выберет последний, так как для использования фиксированной или мобильной связи компании, специализирующейся на поиске информации в Интернете, дополнительно потребовались бы партнеры из телекоммуникационного сектора.

Телефон можно связать непосредственно с сетью WLAN-Router или через USB-порт, что уже давно успешно используется в интернет-телефонии (VoIP) и при звонках с помощью программы Skype.

Вопрос о производителе gPhone еще не решен. В качестве кандидата обсуждается концерн Samsung.

СПАМ В ИНТЕРНЕТЕ СНОВА МУТИРУЕТ

В Интернете появился новый вид спама — видеоспам. Его появлению способствовало стремительное развитие сервисов обмена пользовательскими видео.

На данный момент уже существует несколько спамерских клипов на таких сайтах, как YouTube, Break.com, AOL Video и других. Спамеры просто загружают видео с обманными названиями, содержащее рекламу.

YouTube утверждает, что видеоспам пока не представляет собой проблемы, но другие сайты уже начинают жаловаться. «Без сомнения, мы отметили увеличение количества спама за последние полгода», — сказал Тим Таттл, вице-президент AOL Video.

Пока такой вид спама весьма молод, но специалисты прогнозируют его стремительное развитие. Ожидается размещение якобы домашних видео, которые ведут на платные сайты и сайты с вредоносным кодом.

Определены первые победители «Женского Интернет-фестиваля-2007»

20 марта 2007 года были подведены итоги по трем номинациям «Женского Интернет-фестиваля-2007», стартовавшего 2 февраля и посвященного Международному женскому дню.

Организаторами фестиваля выступили: Узбекское Агентство Связи и Информатизации, Комитет Женщин Узбекистана, Проекты Программы Развития ООН «Создание потенциала для развития Интернет-технологий и их распространения в Узбекистане» и «Содействие Правительству Республики Узбекистан в формулировании и внедрении политики ИКТ для Развития Узбекистана», Информационный центр ООН, Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM, Ташкентский Университет Информационных Технологий, а также Информационно-аналитический журнал «InfoCOM.UZ».

Получено более 350 заявок от учащихся школ, студентов колледжей, лицеев, вузов, преподавателей, библиотекарей, домохозяйек из Андижанской, Ферганской, Наманганской, Кашкардарьинской, Сурхандарьинской областей, Республики Каракалпакстан и г.Ташкента.

ZiyoNET—АНОНС*

Научно-практическая конференция и конкурс научных работ аспирантов

Компютер технологияларини ўқитиш бўйича мутахассислар етишмовчилиги ҳисобга олинса, мазкур коллежнинг битирувчилари умумтаълим мактаблари ва коллежларда информатика ва ахборот технологиялари фанларидан дарс беришлари айниқса диққатга сазовор.

Ташриф мобайнида Андижон компютер технологиялари коллежи ўқувчи-

ларининг «Кувноқлар ва зукколар» беллашуви томошасига кирдик.

— Беллашувда фақат ётоқхонада яшовчи талабаларимиз куч синашади! — эълон қилди тadbирни олиб борувчи қиз.

Шунинг ўзиёқ, талабалар ётоқхонасидаги муҳит — яратилган қўлайликлар, имкониятлар хусусидаги тасаввуримизга туртки берди. Ўқувчилар кутубхона, «Pentium 4» компютер синфлари, Интернет, мултимедиа, лингофонлар билан таъминланган хоналарда билим олишар экан.

Спорт залида 10-15 яшар болаларни кўриб хайратландик.

— Маҳалла ва мактаблардан ҳам спорт тўғраракларига келишади, — дея тушунтиришди.

Коллежнинг спорт тўғраракларида шугулланувчилар орасида жаҳон ва Осиё чемпионлари бор экан.

— Самбо, дзюдо, кураш каби спорт турлари бўйича машгулотлар ўтказамиз, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Нилуфар Айсарова. — Яқинда биринчи босқич талабаларимиздан Шохсанам Тожибоева ва Элвира Бурҳоновалар самбо бўйича Осиё чемпионатида қатнашиб, совриндор бўлиб келишди.

Хайрлашиш арафасида коллеж директори ўринбосари Жамолiddин Солиев қувонарли бир янгилик айтиб қолди. Маълум бўлишича, 1 март кунидан бошлаб «Саноат роботларини сошлаш ва оператор» йўналиши талабалари ўқув амалиётини ўташ учун ишлаб чиқариш корхоналарига чиқишаркан. Мазкур йўналиш бўйича 2008 йилда илк қалдирғочлар учирма қилинади. Шартнома-лар тузилган. Илк талабгор Асака UzDAEWOO автомобил ишлаб чиқариш корхонаси бўлибди.

Ха, Андижон компютер технологиялари коллежнинг хунарли ёшларига талаб ортиб бормоқда!

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Жорий йил шахсий ҳаётимда унутилмас бўлиб қолади. Тошкент ахборот технологиялари университетини битириб, сеvimли соҳамнинг мутахассисига айланаман. Бунинг учун «Сурхондарё Телеком» филиали раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Гап шундаки, ТАТУга бевосита шу жамоа йўлланмаси билан бордим — ҳозир ташкилот тавсияси билан ҳам ишлаб, ҳам ўқидим.

“Ҳаёт” деган катта кемада...

Амалиётдан ажралмаган ҳолда билим олишнинг фойдали жиҳатлари кўп экан. Энг муҳими, эртанги кун учун ҳар томонлама тайёр мутахассис бўласиз. Сизни яхши орзу-умидлар билан ўқитаётган жамоага мослашиб олиш шундай имкониятнинг энг асосийси ҳисобланади. Ростини айтсам, сирдан ўқишга кириб келганимда бир оз тортинчоқлик кайфиятига борган эдим. Кунлар ўтган сайин кўникиб кетганимни сезмай қолдим.

Бугунги кунда филиал жамоаси оиламдек кадрдон бўлиб қолган. Ота-онамдан тарбия олган бўлсам, бу ерда ҳаётни ўргандим. “Ҳаёт” деган катта кемада сузиш осон эмаслигини ҳис этдим. Мурод Нуралиев, Ихтиёр Боймирзаев ва Зулфия Перепечайлар каби мураббийлардан ҳар қадам, ҳар соатда сабр қаноатли, меҳроқибатли ва иродали бўлиш сирини сингаларини билиб олдим. Айниқса, Олимжон Эшонов, Хўшбўқ Келдиёров каби устозлар таърибаси мен учун мактаб бўлиб хизмат қилмоқда. Улар доимо:



“Ҳеч қачон манманликка берилманг, инсонлар орасида кадр-қиммат азалдан танқис бўлиб келганлигини асло унутманг”, деб маслаҳат қилиб туришади. Бу ўғитларни қалбимга чуқур жойлаб олганман. Шунданми, аҳил жамоада ўзимга яраша иззат топдим.

Филиалнинг ҳисобчилар бўлими менинг тобланишимда муҳим рол ўйнади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш биз ёш кадрлардан айниқса кўп қуч-гайрат ва маҳорат талаб этади. Шўқрим, мураббийлар ва университетда таълим берган устозлар кўмағида ишончини оқлашга муваффақ бўлмоқдаман.

Илҳомжон Жўраев

DOLZARB MAVZU

Жомиллик йўли

Ёшларни ҳар томонлама: ақдан, жисмонан баркамол, ахлоқан етук, маънавий бой қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу — давр ва бугунги турмуш тарзимизнинг тақозосидир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина спорт соҳасини оладиган бўлсак, «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг юқори даражада ташкил этилиши, шунингдек, ҳар йили ўтказилаётган фан олимпиадалари, давлат стипендиялари ва чет мамлакатларда таълим олишнинг турли йўналишлари бўйича танловлар ташкил этилаётганлиги ёшларимиз учун чексиз имкониятларни яратиб бермоқда.

Ийгит-қизларимиз кўрсатилаётган гамхўрликларга жавобан барча соҳаларда фаол бўлишга интиляптилар. Уларнинг билим олиши, спорт, ижод ва меҳнатда эри-

шаётган ютуқларини кўриб фахрланамиз. Аммо гаразниятли кишилар таъсирига тушиб, кейинчалик пушаймон бўлаётганлар ҳам ёшлар орасида йўқ эмас. Бугунги кунда инсониятнинг энг ёвуз душманлари — терроризм ва гиёҳвандлик эканлиги дунё аҳлига маълум. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, терроризм ва гиёҳвандликка қарши йўналтирилган профилактика ишларини бугунжаҳон миқёсида, ҳар бир соҳада, айниқса, ёшлар ўртасида олиб бориш мумкин.

Ўсмирлар орасида олиб бориладиган психологик-профилактик ишларнинг руҳий жиҳати ёшларда ўз-ўзини англашга йўналтирилади. Дастурлар ўз-ўзини хурмат қилиш, ўз қадр-қимматини билиш, ўз ҳаёти учун масъулиятни ҳис қилиш, муаммо-

ларини ҳал этишга мустақил кириша олиш, ўзаро муносабат ўрнатиш қобилиятини ошириш каби хусусиятларни ривожлантирувчи услубларга қамраб олмоғи керак. Гурӯҳ билан ишлаш шакли энг самарали услуб саналади. Мактаб шароитида гурӯҳ билан ишлашда ёки тренинглари ўтказишда аниқ ўқувчилари тенг иккига бўлинади. Бунда гурӯҳ тарихи 12-15 кишидан ошмаслиги керак. Шахсни тарбиялашда мустақил ирода ва ахлоқий меъёрларни шакллантириш учун 10-12та машгулотнинг етарлиги амалда исботланган. Машгулотлар учун ёш жиҳатдан кўпроқ мос келадиганлар 8-синф ўқувчилари бўлиб, тадқиқотларга қўра айнан шу ёшдаги ўсмирларга ўтиш даври жараёнини мўътадиллаштириш, шахс

сифатида шаклланиши учун туртки керак. Методик машқлар шу ёшга мўъжаллаб тузилган, лекин бу машқларнинг юқори синфларда ҳам қўллаш мумкин.

Профилактика ишларини олиб бораётган мутахассис болалардаги улғайиш даври босқичларининг руҳий хусусиятлари ва ўсмирлар муҳити қизиқишларининг реал жиҳатларини англаб етиш, тўғри тушуниш билан кифояланиб қолмасдан, шахсни руҳан шакллантириш технологиялари ҳақида етарлича билимга ва ўсмирларнинг ишончини қозона олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Тадқиқотчиларнинг аксарияти наркотик моддаларни истеъмол қилиш хавфи кўпроқ 12-18 ёшдагилар орасида учрайди деган фикрдалар. Ҳаётининг бошқа даврларига нисбатан айнан шу даврга келиб, ўсмирлар улғайиш ёшдаги турли муаммолар (масалан, ўз гурӯҳи, тенгдошлари даврасида танилиш ва тан олиниш, ўз микрожамияти мўҳитида дўстлик ва шериклик ришталарини ўрнатиш, бўлғуси ҳаёти ва келажакдаги касб-корининг истиқболини аниқлаш, ўз хулқ-атворининг асосини белгилайдиган кадр-қимматлар меъёрини яратиш)га кўпроқ дуч келадилар. Шу боис, болаларни мактаб дав-

риданок руҳан тарбиялаб, қўллаб-қувватлай бошлаш зарур.

Хорижий тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, ўсмирларни 18-21 ёшга қадар психоактив моддаларни истеъмол қилишдан асрамоқ лозим. Бу ёшдан ўтган йигит-қизларда эса гиёҳвандликка чалиниш хавфи нисбатан камаяди.

Ўсмирлар билан муносабат ўрнатишда уларнинг ўз-ўзини намоён эта билиш имкониятлари ҳамда фазилат ва ташаббусларини юзага чиқара олиш хусусиятларидан келиб чиқиб кўриш керак. Бинобарин, самимий муносабат, ўзига нисбатан билдирилаётган ишонч туйғусини ҳис этсагина, ўсмир ўз хатти-ҳаракатларига танқидий кўз билан қараш, ўзига берилаётган ижобий баҳони асраб қолиши мумкин.

Ўсмир ёшлар доирасида олиб бориладиган ҳар қандай тadbир комил инсон тарбиясига йўналтирилмоғи керак. Турли зарарли таъсирларга қатъият билан қарши тура оладиган соғлом вужуд ва соғлом фикрли ёшларгина тўғрيلي ва комиллик йўлидан дадил бора оладилар.

Гулшан ХУДОЁРОВА,
ТАТУ Қарши филиалининг маънавият ва маърифат маркази раҳбари

FOTOLAVHA

Бир пиёла чой баҳонасида

Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғида 176 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 350 минг аҳолига газета-журналлар, хат-хабар ва жўнатмалар, 38 мингдан ортиқ пенсионерларга пенсия пуллари ўз вақтида етказиб берилмоқда.



Алоқа тармоғида тез-тез йиғилишлар ўтказилиб, амалга оширилган ишлар муҳокама қилинади, келгуси режалар белгилаб олинади.

Яқинда тармоқнинг 32-алоқа бўлимида ўтказилган шундай йиғилишга шаҳардаги маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда жамоатчи обуначилар таклиф этилди.



Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда матбуот нашрларига обунани давом эттириш масаласи муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

Орзу оғушида

Ҳарбий хизматдан қайтган забардаст йигит — Эргаш отаси Мардон ака ва онаси Сихат опага Оқтош почта корхонасига ишга боришини айтди. Камтарин, сергайрат, очикқўнғил ўғлининг фикрини тушунган ота-она: "Ўғлим, почтада ишлаш ҳалоллик ва тинимсиз меҳнатни талаб қилади, ўзинг аҳд қилибсанми, биз розимиз!", дейишди.

Эргаш барча ҳужжатларини тўғрилаб, туман почта корхонаси бошлиғи Раҳматулла Пардаевга учрашди ва мақсадини билдирди. Бошлиқ унга зимдан назар солар экан, йигитнинг гаирати жўшиб турганлигини сезиб, уни почта кузатувчиси вазифасига ишга қабул қилди. Эргаш Йўлдошев биринчи иш кунини бироз ҳаяжон билан бошласа-да, нияти амалга ошганидан, оиласига моддий томондан ёрдам бериши мумкинлигидан ич-ичдан севинди...



Касбига меҳри жўшиб, Тوشкент алоқа техникумида ўқиб қайтган Э.Йўлдошев 1980 йили қишлоқ аҳлининг талаби билан Нарпай туманидаги Қозикент қишлоғида "Қозикент" алоқа бўлимини очди ва йигирма йил шу бўлимни бошқарди. 2000 йилдан 2006 йилгача туман почта алоқаси тармоғида йўриқчи-тафтишчи сифатида фаолият юритган тажрибали алоқачи 2006 йил августидан туман почта алоқаси тармоғи бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

— Шунча йилдан буён ўз оразим ортидан эргашиб, ҳалол меҳнат қилиб, эл ҳурматиға, ишончига сазовор бўлганлигим мен учун олий бахдир! — дейди Эргаш Йўлдошев.

Умрини почта соҳасига бахшида қилиб келавтган камтарин ва удабурон ҳамкасбимиз борлигидан фахрланамиз.

Зубайдулло ИБРАГИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалининг
почта аламуш маскани бошлиғи

Фазилат эшикни оҳиста очиб, ичкарига мўралади. Захро хола қизини кўриб, бошини кўтаришга ҳаракат қилди, лекин уддалай олмади, кўзларидан сизиб чиққан ёшни кўрсатмаслик учун юзини четга бурди.

— Ассалому алайкум. Қалай, тузукмисиз? Сизга чучвара пишириб келдим. Иссиғида еб ола қолинг деб бирам югурдим-ки...

Фазилат юрса қадамидан ўт чакнайдиган онасининг бирданига ҳаракатдан, тилдан қолганигига юрак-бағри эзилиб, бир йиғлаб-бир кулиб овқатдан озгина едирган бўлди... Қизи кетгач, Захро

қиладилар. Нима эмиш, синфида бирга ўқиган етимча-етти кулча Сабихани севармиш. Қурумсоқ акаси унга нимасини сеп қилади?!

— Ўғилларингнинг ҳаммаси сен топган қизларга уйланишди. Лоақал шу кенжамизнинг кўнглига қарайлик, онаси. Суриштирдим. Сабиха тикувхонада ишларкан. Уйда ҳам кийим тикиб, рўзгорга қарашар экан. Хусни ҳам бировдан кам эмас. Қолаверса, уй-жойимиз бисёр-ку! Ҳеч бўлмаса кенжамиз қолсин биз билан. Эртага қариймиз ахир.

— Йўк, йўк, минг қарра йўк. Ўғлим шу қизга уйланган тақдирда ҳам барибир

дан хабар олиб кетарди.

Бир кунчи ўғил онасининг кўнглини эритишга ҳаракат қилди.

— Ойижон, руҳшат берсангиз эртага Сабиха билан келмоқчи эдик. Неварангизни ҳам олиб келамиз. У куйиб қўйгандай сизга ўхшайди. Бир кўринг-а.

— Хўш, — дея синовчан тикилди она "яна нима демоқчисан" дегандай.

— Ҳаётимиз анча яхши, — дея давом этди Солижон. — Сиз Сабихадан бекорга хайфа бўлиб юрибсиз. У уйим-жойим дейдиган аёллардан. Иккаламиз рўзгор харажатларидан орттириб, бошпана

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Кечиккан тавба

хола яна ҳайҳотдек хонада маҳзун хаёллари билан ёлғиз қолди.

— Нима учун шу кунларга қолдим-а, қайси гуноҳларим учун Аллоҳим мени бу кўйга солди?

Шу пайт кимдир унинг саволига жавоб қилаётгандай бўлди.

Айбинг нима эканлигини билмайсанми, Захро? Ахир, сен тўфайли нафақат бегоналар жабр кўрди, ҳатто бемаъни қайсарлигинг, такабурлигинг тўфайли ўз болаларингни ҳам не аҳволга солмадинг?! Ўғлинг, келининг, беғуноҳ неварангнинг уволи тутаётганлигини ҳис қилмаясанми? Ҳаммасини яхшилаб ўйла. Илгари мулоҳаза қилиш учун вақтинг етишмасди. Энди ўтган кунларингни тарозига солиб кўр, адолатли фикр юрит.

Захронинг кўз олдига ўтган умри кинотасмасидай бирмабир ўта бошлади. Баногоҳ Солижоннинг сергайиб кетган юзи, нурсиз жовдирган нигоҳлари кўз олдига туриб қолди.

— Эҳ, болам-а, — инграб юборди у. — Ушанда ширингина жонинг кўзингга кўринмаганмикен? Етмишни қоралаб ҳам ўлгим келмапти-ку менинг. Югуриб-елиб тўплаганим — ҳисобсиз молдунёни ташлаб кетиш юрагимни ўт бўлиб ёндирапти.

...Болалигидан бойликка ўч Захро ўғилларига бадавлат хонадонлардан келин олишни ният қилди. Катта ўғиллар бир сўзли, айтганини барибир қилдирадиган она билан тортишиб ўтиришмади. Лекин Солижон ундай йўл тутмади. Дўкондор Карим аканинг қизи билан бўлиши керак бўлган учрашувга бормасди. Онасидан кўрқиб икки-уч кун ўртоқлариникида ётиб юрди. Айтгани айтган бўлиб ўрганган Захро бу "кўрнамаклик"ка чидай олмасди.

— Ерни тагидан бўлса ҳам топиб келинг у ношукўрни, — эрига бақирди у. — Ярамас, мен ҳам уйи, ҳам машинаси бор қиз топсаму, у киши ноз

яшатмайман. Уйимни эса невараларимдан бирига хатлаб бераман, Солига эмас!

Маҳалла катталари аралашуви билан Захро ноилож тўйга розилик берди. Болалигидан бир-бирига қўнғил қўйган Солижон билан Сабиха қаршиликларни енгиб, турмуш қуришди. Акаси билан келин-ойиси баҳоли қудрат у-бу нарса харид қилиб узатишди сингилларини.

Сабиха бу хонадонга келин бўлиб тушганидан бошлаб барча рўзгор юмушларини ўз зиммасига олди. Эрталаб барвақт туриб, хоналарни, ҳовлини чиннадай қилиб тозалаш, сигир соғиб, қатиқ ивитиш, кир ювиб, нон ёпиш, икки маҳал овқат пиширишдан чарчамасди. Лекин барибир қайнонаси уни ёқтирмас, ҳатто саломига алик олишни ҳам ўзига эп кўрмас эди.

— Шунки кўрсам асабим кўзийди, бу аҳволда яшаш қўлимдан келмайди. Солига айтинг, ижарага уй топиб чиқиб кетсин. Рўзгор юмушларини ўзим ҳам қилавераман, — деди Захро бир кунчи эрига.

Хотинига гап уқтириш мушкуллигини билган Карим ака жой қидиришга тушди.

— Икки қаватли уйимиз туриб, ижарада яшайманми ахир. Сабиха рўзгорни бийойидек эплайпти-ку, — Солижон жигибийрон бўлди.

— Шунинг учун ҳам алоҳида яшагин деяпман-да, — деди Карим ака. — Мен Сабихага ишонаман. Қаерда яшайдан қатъи назар оилани эплаб кетади. Тўғриси, онаннинг гапидан хурсанд бўлдим. У бу ерда барибир сизларга тинчлик бермайди, биласан-ку феълени!

Шу тариқа ёш эр-хотин ижара уйга кўчиб ўтишди. Сабиха ҳам тикувхонада, ҳам уйда кийим тикар, Солижон топганини рўзгор учун ташир эди. Бу орада қизчаллик бўлишди. Захро бирор марта ўғлиниқига келмади. Ҳатто фарзандлик бўлганида ҳам. Солижон тез-тез ота-онаси-

сотиб олишга ҳам пул йиғиб қўйдик.

Ўғлининг бу гапи Захронинг юрагига ханжардек ботди. Уй олиб бўлсан, мен сенларга фўрсатиб қўяман ҳали — бу фикр онгидан тошдек қотди. Лекин тилидан бошқача гап чиқди:

— Майли, болам. Келсаларинг мен ҳам хурсанд бўламан.

Бу гапдан Солининг қувончи ичига сиғмай кетди.

Шу тариқа она-боланинг муносабатлари "тикланди". Лекин Захронинг юрагига жойлашиб олган ҳасад унга бир зум ҳам тинчлик бермас эди. Ўйлаб-ўйлаб овсини Маликадан ёрдам сўрашга аҳд қилди...

Сабиха уй юмушларини тугатиб, тикишга ўтирди. Бошлаган қўйлагини охирига етказди ҳамки, эридан дарак йўк. Унинг юраги безовталана бошлади. Ситора пишиллаб ухлаб ётарди. У қизининг ёнига чўзилди.

— Кейинги пайтда Солижон акамга нимадир бўляпти, — ўйлар эди у. — Қанақадир кўпол бўлиб қолди. Хар кимдан рашқ қилади. Ота-онам тирик бўлишганида қайнонам бунчалик ёмон кўрмас, хўрламас эди. Тавба, эрининг олдига яхши гапирадилар. У киши қиқиб кетишлари билан "етимча-етти кулча, сен ўғлимнинг тенги эмассан, мен барибир яшатмайман. Шунинг учун кет, кетмасанг шарманда қилиб ҳайдайман", деяверади-дилар.

Шу пайт кўча эшик тақиллагандай бўлди. Сабиха яхшилаб қўлоқ солди. Ким бўлди экан? Солижон акам ўз калити билан очиб қирардилар. Тинчликмикни ишқилди. У эшикни очмасдан:

— Ким у? — деб сўради.

— Бу мен, кенвойи, Кабирман. Тўйда бўлдим. Машина пойлайвериб, совуқ қотдим. Озгина исиниб олай деб келувдим.

— Уйда Солижон акам йўқлар. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, яхшиси оймларниқига борақолинг.

— Кенвойикон, мендан кўрқяспизми, шундоқ исинаману кетаман.

Сабиха иккиланиб қолди...

(Давоми бор.)

Муборак МИРКАМолова



УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

Бировгаким бировдин етди офот,
Ҳамониким қотигроқдур муқофот.


Алишер НАВОЙЙ



Баъзи хорижий психологларнинг фикрича, инсон фитрати, саломатлиги, миждози қон туркуми билан боғлиқ экан. Бунинг эр-хотинлик ҳам таъсири бор.

БИРИНЧИ ҚОН ТУРКУМИга мансублар жўшқин, сергайрат, тез элакишадиган бўладилар. Улар иродали, саботли кишилардир. Раҳбарлик лавозимларида ўзларини тўла намоён этадилар. Ишда чарчашни билмайдилар, қисқа муддатда бошқаларга нисбатан уч хисса кўп иш бажара оладилар. Бу тоифадагилар табиатан соғломдирлар, узоқ умр кўрадилар. Уларнинг 75 йил умр кўриш эҳтимоли бошқа қон туркумига эга бўлган кишиларникидан 60 фоизга юқоридир. Айтишларича, биринчи қон туркумига эга бўлган инсонларнинг жисмонан соғлом эканликлари кўп жиҳатдан руҳиятининг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Улар ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон яраси

Қон туркумининг биласизми?



дардига мойил бўлишади. Жисмоний меҳнат улар учун фойдалидир. Спиртли ичимликлардан бошқаларга нисбатан кам зиён кўрадилар. Уларга мол ва парранда (товуқ) гўшти мос келади.

ИККИНЧИ ҚОН ТУРКУМИга эга бўлганлар одобли, фахмли кишилардир. Энг кучли стресс ҳолатида ҳам иш қобилиятини йўқотмайдилар. Инсофли, тиришқоқ кишилар

дир, хизмат пиллапоясидан тез кўтарилишади. Ваъдаларига ҳамиша вафо қиладилар. Ота-оналарига, дўстларига ҳамиша содиқдирлар. Бир сўз билан айтсак, бу тоифа кишилар ҳар жиҳатдан баркамолдирлар. Бироқ, улар дардга тез-тез чалинишади. Юрак инфаркти, атеросклероз, қанд ва рақ касалликларига мойилдирлар. Бу тоифа одамлар спиртли ичимликларни кўтара олмайдилар. Улар ҳазми енгил гўшларни истеъмол қилишлари лозим.

УЧИНЧИ ҚОН ТУРКУМИга мансублар табиатан назокатли, туйғун ва қобилиятли бўлишади. Улар ҳамкасбларини, дўстларини юксак қадрлайдилар. Иш бобида ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам жуда талабчандирлар. Бу тоифадагилар сиртдан мўмин-қобил, вазмин кўринсалар-да, аммо аслида қалбан жуда нозик бўлишади. Ишқ-муҳаббат ҳақида сўз кетганда қалбида эҳтирослар туғён уради. Бу

қон туркумидаги аёлларда рашк кучли бўлади. Умуман, улар мустақил бўлишга мойилдирлар. Кўпроқ кайфиятга қараб иш тутадилар. Учинчи қон туркумидагилар биринчи туркум кишиларига нисбатан соғломроқ бўлишади. Улар кўй гўштини истеъмол қилганлари маъқул.

Тўртинчи қон туркуми (бу туркум камдан-кам учрайди)га мансубларга келсак, улар икки қалб эгасидек туюладилар. Улардаги сершубҳалик ва ички қийнаш, азобланиш боиси ҳам баъзан шундандир. Қалбдаги ҳис-туйғулар пўртанасини ҳамиша ичда сақлашга интилишади, юзага чиқаришмайди. Ишқ-муҳаббат, дўстлик ва оила бобида ҳавас қилса арзийдиган кишилардир. Ўзини бахтиёр қилишга интилиш орқали улар ўз маъшук ёки маъшукасининг ҳам саодатли бўлиши учун ҳаракат қиладилар.

АҚШда штатлар, графликлар ва муниципалитетлар миқёсида амал қилувчи минглаб қонулар мавжуд. Уларнинг баъзилари бугунги кунда бемаъни, аниқроғи кулгили туюлиши мумкин.

Ғаройиб қоидалар

ФЛОРИДА штатида барча уйларнинг эшиклари ташқарига очилиши шарт қилиб қўйилган.

Бундан мақсад: ёнғин содир бўлган тақдирда одамларнинг кўчага чиқишларини осонлаштиришдир.



МОБИЛ шаҳрида аёлларнинг бигиз пошна туфли кийишлари тақиқланган.

Худди шунақа туфлидан кийиб олган бир аёлнинг оёғи сув тушиб кетишига мўлжалланган панжарага кириб қолиб шикастланади. Кўчаларга бундай ховфли қурималарни ўрнатган шаҳар маъмуриятини айбдор ҳисоблаган ҳалиги аёл судга мурожаат қилади ва ютиб чиқади. Натижада, келгусида юқоридagi сингари ҳолатлар келиб чиқишидан чўчиган шаҳар пешволари панжараларни алмаштиришдан кўра махсус қонун қабул қилиш арзонга тушади, деган қарорга келдилар.

КАЛИФОРНИЯ штатида ҳаммомлар тақиқланган.

Бу қонун 1980 йилларнинг ниҳоясида ОИТС (СПИД)га чалинганларнинг ақсарияти жамоат ҳаммомларида касалликни юктириб олганлиги аниқланганидан сўнг қабул қилинган. Штат маъмурияти эпидемия тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу амалиётни қўллашга мажбур бўлган.



МЕМФИС шаҳрида тиланчилар шаҳар маъмуриятининг "лицензия"сини... олишлари шарт.

Бунинг учун авваламбор шаҳар газнасига 10 доллар тўлаб қўйиш талаб қилинади. Ҳокимиятнинг муддаси шаҳар марказидаги диққатга сазовор жойлардан тиланчилар тўдасини қувиш бўлган.

АРИЗОНА штатида туяларни ов қилиш ман этилган.

Сабоби: бир пайтлар АҚШ армияси юк ташишда туялардан фойдаланарди. Ҳарбий тажрибалар ўтказилаётганидан беҳабар маҳаллий аҳоли эса икки ўрқачли жониворларни ёввойи ҳайвоннинг бир тури ҳисоблаб уларни овлашга киришиб кетади ва... АҚШ мудофаса қобилиятига жиддий пўтур етказди. Оқибатда, туялар ҳарбий хизматдан "озод қилинади". Ҳозир ҳам Алабама чалачўларида ёввойи туялар яшайди. Уларни овлаш мумкин эмас.



НЮ-ЖЕРСИ ва **ОРЕГОН** штатларида ҳайдовчилар машиналарига ўзлари бензин қўйишлари мумкин эмас, уларга албатта АЁҚШ ходими ёрдам бериши шарт.

Қонун анча аввал, ҳали одамлар (айниқса кексалар) бензин портлаши мумкинлиги ва унинг яқинида тамаки чекмаслик лозимлигини англаб олмаган бир пайтда қабул қилинган эди. АЁҚШ эгалари мижозларнинг шаҳобчани портлатиб юборишидан ўта чўчишарди...



ГАВАЙИ штатида йўллар ёқаси ва жамоат жойларида реклама плакатлари ўрнатиш тақиқланган.

Сабоби: рекламалар сайёҳларнинг гавайи манзараларидан баҳра олишларига ҳалақит қилмаслиги керак.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири: Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти — 1, Радиоалоқа қурилмалари — 1.

Доцентлар:

Ахборот технологиялари дастури таъминоти — 1, Информатика — 1, Антенна-фидер қурилмалари — 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1, Олий математика — 1.

Катта ўқитувчилар:

Дастурлаш технологиялари — 1, Ахборот технологиялари — 1, Физика — 1, Компютер тизимлари ва тармоқлари — 1, Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти — 1, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Электроника ва схематехника — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Чет тиллар — 1, Дастурлаш технологиялари — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Мухандислик ва компютер графикаси — 1, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Электроника ва схематехника — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етух мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Университет манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 138-64-06.

SPORT

ШАХМАТ

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК – ҚОСИМЖОНОВНИНГ РАСМИЙ ҲОМИЙСИ

Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва “Ўзбектелеком” АК ўртасида ҳомийлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.



Унга кўра, компания шахматчимизнинг жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриши учун ҳомийлик ёрдами кўрсатади. Рустам Қосимжонов эса “Ўзбектелеком” компаниясининг замонавий телекоммуникация хизматларини тарғиб қилувчи “юзи”га айланади.

Учрашувда “Ўзбектелеком” АК бош директори Ҳаким Муҳитдинов жаҳон чемпиони компаниянинг “юзи” бўлишга розилик билдиргани учун миннатдор эканини таъкидлаб, компаниянинг ҳомийлиги Қосимжоновга шу йилнинг сентябр ойида Мексикада ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида кераклича тайёргарлик кўриши учун кўмак беришига ишонч билдирди.

ERKIN KURASH

ЖАҲОНДА УЧИНЧИ

Ўтган ҳафтада Россиянинг Красноярск шаҳрида эркин кураш бўйича навбатдаги жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.



Мусобақаларда дунёнинг энг кучли олти жамоаси ўзаро баҳс олиб борди. АҚШ ва Эрон жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи баҳсда эронликларга имкониятни бой берди. Иккинчи учрашувда АҚШ жамоасини мағлубиятга учратган вакилларимиз Россия ва Украина жамоалари билан бир гуруҳда ўрин олган Грузия курашчиларига қарши гиламга чиқишди. Муросасиз кечган баҳсда ҳамюртларимизнинг қўли баланд келиб учинчи ўринни банд этишди. Мусобақада ғолиблик Россияга, иккинчи ўрин эса Эронга насиб этди.

БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Мазкур ҳафтада Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада мусобақаларига саралаш баҳслари бўлиб ўтди.

Гуруҳ босқичининг 3 тур учрашувларида Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Жанубий Корея Олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди ва биринчи мағлубият аламини тотиб кўрди.

Жанубий Корея – Ўзбекистон – 2:0

Голлар: Хан Донг-Вон, 33; 84.

Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Биринчи бўлимнинг ўрталарига келиб, корейликларнинг бироз устунлиги сезилиб турди. 33-дақиқада эса Ли Кэун-Хунинг тўп оширишидан сўнг Хан Донг-Вон тўпга биринчи бўлиб етиб келди ва боши билан дарвоза томон зарба берди. Бу ерда дарвозабонимиз Азиз Ашуров тўпга чиқишда хатога йўл қўйди ва тўп бўш қолган дарвозага бориб тушди. Уйин тугашига 6 дақиқа қолганида эса Хан Донг-Вон ўз дублини нишонлади. У 18 метрлар масофадан Ашуров дарвозасини аниқ нишонга олди.

«F» гуруҳининг яна бир учрашуви Яманда бўлиб ўтди. Унда Яман Олимпия терма жамоаси БАА футболчиларини қабул қилди. Яманликлар ўз уйида 1:2 ҳисобида тенгдошларига имкониятни бой бериб қўйишди.

Учинчи турдан сўнг жамоалар тўплаган очколар куйидагича: Жанубий Корея – 9, Ўзбекистон – 6, БАА – 3, Яман – 0.

Олимпиячиларимиз 4-тур учрашувини 18 апрел кuni Тошкентда Жанубий Корея Олимпия терма жамоасига қарши ўтказди.

FUTBOL



ГЕЙНРИХ ЯНА “ПАХТАКОР”ДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Москва-нинг “Торпедо” клуби ҳужумчиси Александр Гейнрих “Пахтакор”га қайтди, дея хабар беради “Пахтакор” клуби расмий веб-сайти.

Энди у бир йил давомида “Пахтакор” сафида ижара асосида тўп суради.

Александр Гейнрих 18 ёшида – 2002 йили “Пахтакор” сафида қўшилган ва шу йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси дея тан олинган эди. Шундан сўнг Гейнрих Москва-нинг ЦСКА жамоасидан тушган таклифни қабул қилиб, Валерий Газзаев жамоасига ўтганди. Лекин Москвада унинг ишлари унчалик юримишди. У дастлаб икки йил давомида ЦСКАнинг ўринбосарлар жамоасида тўп сурди. 2005 йили эса яна ижара асосида ярим йил “Пахтакор” шарафини химоя қилди. 2005

йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб у “Торпедо” сафида қўшилди ва бир ярим йил давомида автозаводчилар либосида майдонда ҳаракат қилди. У “Торпедо” сафида 21 марта Россия премер-лигаси ва 4 марта Россия кубоги баҳсларида иштирок этса-да, бирорта ҳам гол кирита олмади. Россиядаги омадсизликка қарамай, Александр Гейнрих 2006 йилнинг декабр ойида Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида терма жамоамиз таркибиде ажойиб ўйин кўрсатиб, мусобақанинг энг яхши тўпурари бўлди.

Гейнрих “Пахтакор”да 10-рақам остида тўп суради.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатида тайёргарлик доирасида қатор ўртоқлик учрашувларини ўтказмоқда.

Жамоа бош мураббийи Рауф Инилеев Хитой Тайпейи ва Хитойга қарши бўладиган учрашувларга асосан миллий чемпионатларимизда тўп сураётган футболчиларни жалб этди.

Экспериментал таркибдан иборат терма жамоамиз Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши кечган биринчи учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувдаги ягона гол Ҳикмат Ҳошимов томонидан киритилди.

Сешанба кuni Рауф Инилеев шогирдлари Хитой терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Уйин тўлик хитойликлар устунлигида ўтди. Учрашувнинг 4-дақиқасидаёқ вакилларимиз ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Футболчиларимизнинг ўзаро бир-бирларини тушунмаслиги яна икки тўп ўтказилишига сабаб бўлди. Уйин охирига келиб, Владимир Шишелов битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлди.

Хитой – Ўзбекистон – 3:1

Голлар: Хан Пен, 5; 41; Ботир Қораев, 67 (автогол); Владимир Шишелов, 82.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбектелеком Интернетшл МЧЖ” қўшма корхонаси жамоаси “Ўзи-Қарши” филиали директори Жуманазар Бозоровга отаси

Самандар БОЗОРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

“ҚорақалпоқТелеком” филиали ва Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиалнинг автоцеҳ бошляғи

Махсетбой АДИБАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси жамоаси “Ўзи-Қарши” филиали директори Жуманазар Бозоровга падари бузруквори

Самандар отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲИМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асалдон ХҲҲЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

253-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адали: 11736 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслидин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи: Далфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 апрел



Келинг, кулишайлик!

ЭНАСИГА БЕР

Теша қизик Комилов ўртадаги деворга ойначани кўйволиб соқол олаётса, кўшни томонда гумбирлаб милтиқ отилибди. Устара роса рўпарасига келган эканми, кулоғидан жиндай узиб олибди. Бир кўлида устара, иккинчисида кулок, кўшнисига бақирибди.

— Мамажон, ҳов, Мамажон! Нима қиялган варанглабди?
— Ўғлим Назиркулга ялак отиб беряпман! — кўшни томондан овоз келибди.
— Тушдимми ялак?
— Тушди.
— Бўлмаса ялакни Назирга, мана бунисини энасига бер! — деб қизик кулокни девордан отибди.

ШУЯМ ТҮЙ БҮЛДИ-Ю!

Охунжон қизик бир тўйда кўпроқ отиб юборган экан Юсуф қизик, олиб чиқиб кетинглар, деган ишорани қилибди. Уни тўйхонадан олиб чиқиб кетёттиб, насихат қилишибди:

— Шу зормандани камроқ ичсанг бўлмайди? Узингнинг об-рўйинг...
— Эй, мени кўйинглар, — дебди қизик тўхтаб, — бу тўйхонада нечта одам бор?
— Беш-олти юзча одам бор.
— Хе, шуям тўй бўлди-ю!
— қизик кулибди. — Мен бундан катта тўйлардан ҳам хайдалганман!



Муҳиддин ДАРВЕШОВ

КУЛГИ ДАРМОН ДЕЙДИЛАР



Бир кўшни кўшнисиникига қозон сўраб чиқибди. Кўшничлик, бермаса бўлмайди. Орадан икки кун ўтиб кўшнисиники қозонни қайтарибди. Қозоннинг ёнида кичкина қозонча ҳам бор эмиш.
— Бу нима? — дебди қозоннинг эгаси.
— Кўшни, қозонингиз туғди, кўшиб олиб

келдим, — дебди кўшнисиники.
Орадан икки кун ўтгач, ҳалиги кўшнисиники яна қозон сўраб чиқибди. Кўшничлик, бермаса бўлмайди. Лекин орадан икки-уч кун ўтсаям, қозондан дарак йўқ. Секин чиқиб кўшнисидан сўрабди:

— Эй, кўргилик кўшни, сизга айтаман, деб ҳаёлимдан кўтарилибди. Қозонингиз ўлиб қолди, — дебди кўшнисиники хафа бўлиб.
— Ия, кўшни, қозонам ўладими? — деб хайрон бўпти қозонинг эгаси.
— Ҳо, нега ўлмас экан? Ахир, қозонингиз туғди, десам ишонасиз-у, ўлди, десам ишонмайсизми?..

ЧУВАЛЧАННИ ЧҮМИЛТИРЯПМАН!

Бир киши Сирдарёга қармоқ ташлаб ўтираё, овчилар жамиятидан келиб қилибди, дағ-дағ қилишибди.
— Ҳозир ов мавсуми эмас, нега балиқ тутяпсиз, жарима тўлайсиз...
— Мен балиқ ушлаётганим йўқ, — дебди ҳалиги киши бамайлихотир.
— Нега ёлгон гапирасиз, қармоқ ушлаб ўтирибсиз-ку!
— Мен балиқ ушламаяпман, чувалчангни чўмилтиряпман!

Ҳожибой ТОҶИБОВ

КҮРДИМ

Бир акахонимизнинг тўққизта қизи бор экан. Ўғил кўрсам, исмини Кўрдим кўяман деб ўзига ўзи сўз берибди. Ҳар қалай ниятига етибди. Акахонимиз сўзида туриб, унга Кўрдим деб исм қўйибди. Йиллар ўтибди. Бир куни уларнинг уйига меҳмон келиб қолибди. Ошни энди еймиз деб туришган экан, чирок ўчиб қолибди. Меҳмон пайтдан фойдаланиб гўштни каттароғини олдига тортиб, энди ейман деб турса, мезбон шам олиб келгин демоқчи бўлиб:

— Кўрдим! — деб ўғлини чақирибди. Меҳмон бир сакраб тушибди. Ўғлидан дарак бўлавермагач, акамиз овозини баландлатиб яна:
— Кўрдим! — дея бақирибди. Меҳмон ўғлининг исмини билмас эканми, шошиб-пишиб:
— Ака, бақираверманг одамни шарманда қилиб, бир марта кўрдим, деганингиздаёқ гўшни жойига қўйиб қўйганман! — дермиш.

ШАРОФАТ

Банкка қуролланган ўғрилар бостириб киришибди. Ходимларнинг ҳаммасини девор остида кўллари кўтариб туришга буюришибди. Ўғрибوشي қассир аёлдан сўрабди:

— Исмнингиз нима?
— Шарофат.
— Онамга адаш экансиз, майли, сизни ўлдирмаймиз, — деб ўғри иккинчи ходимдан исмини сўрабди.
— Ўзи исмин Кулпиддин, аммо ўртоқларим ҳазиллашиб, Шарофат деб чақиршади, — дермиш ходим қалтираб.

Абдулла АКБАРОВ

КУЛГИ ҲАҚИДА

Кулги — мисли офтоб: у инсон юзидан киш қаҳрини олиб ташлайди.

Виктор ГЮГО

Ҳазили ҳам тузга ўхшатиб меъёрида ишлатиш керак.

ПИФАГОР

Агар горларда яшаган одамлар кулишни билганларида тарих бошқа йўлдан кетган бўларди.

Оскар УАЙЛД

Одамнинг ҳақиқий характери кулгандагина чинакамага намоён бўлади.

Иоганн ГЁТЕ

Ҳазил — катта куч. Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам беозор кулгидек яқинлаштирмайди...

Лев ТОЛСТОЙ

ХАНДАЛАР

— Ўртоқ командир, овқат фақат ротанинг ярмигача етаркан!
— Жуда яхши. Унда жангдан сўнг овқатланамиз.

...

— Дада, ҳақиқий эркак ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини босиб тура олиши ростми?
— Албатта.
— Унда сизга аввал кундалигимни кўрсатайми ё оийминг янги кўйлагиними?..

...

Қаҳвахона ходимдан мижоз сўради:
— Сизларда бир марталик стакан борми?
— Бирпас кутинг. Ҳозирча тозаси йўқ.

...

— Хўш, юзта-юзтадан отамизми?
— Йўқ, мен руддаман.
— Кел, унда қизилидан урамиз. Уни қонга сингиб кетгандан кейин топа олишмайди.

...

Автосервисда.
— Машинанинг сигналини баландроқ чалинадиган қилиб бермайсизми?
— Нега?
— Тормоз ишламаяпти.

...

Ўғрини камерага олиб киришгач, у соқчидан сўради:
— Нега деразаларга темир панжара қўйиб ташлашибди?
— Эҳтиёт шарт қўйишган-да!
— Аҳмоқлик бу! Ёр дан нимаям ўғирлаб бўларди?!

И. АҲМЕДОВ
тайёрлади

Табриқ.тай.уз!

Сурхондарё вилоят радиотелевизион узатиш маркази жамоаси ҳисобчи ҚАМОЛ ДУСАНОВНИ 55 ёши билан самимий табриқлайди. Унга тансиҳатлик оилавий бахт ва узоқ умр тилайди.



«РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРНИНГ ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ.

ВИЛОЯТДА АХБОРОТ-КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ТУЗИЛДИ...